



ИККИ ҚАТЛАМЛИ ТРИКОТАЖ ТЎҚИМАСИНИНГ САМАРАЛИ ТУЗИЛИШЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

доц. Гуляева Г.Х

проф. Муқимов М.М

, магистрант Агзамова С

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Мақола тўқимачилик саноатининг долзарб муаммоларидар бири бўлган – трикотаж маҳсулотларини ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш масаласига бағишланган бўлиб, унда устки трикотаж маҳсулотлари учун мўлжалланган икки қатламли трикотаж тўқималарининг янги тузилишлари келтирилган.

Статья посвящена одной из актуальных проблем текстильной промышленности - расширению ассортимента трикотажных изделий и повышению их конкурентоспособности, в ней представлены новые структуры двухслойных трикотажных полотен для верхних трикотажных изделий.

The article is devoted to one of the most pressing problems of the textile industry - the expansion of the range of knitted products and increase their competitiveness and it is presents the new structures of two-layer knitted fabrics for outerwear.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПФ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида 2025 йилгача трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш 4,1 мартага, уларни экспортини эса 3,3 мартага ошириш вазифалари белгиланган [1].

Республика тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, модернизация қилишнинг стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига юқори технологияли янги иш ўринларини яратиш, корхоналарни техник ва технологик янгилаш, илғор «кластер модели»ни жорий этишга қаратилган таркибий қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари натижасида республикада ишлаб чиқариладиган пахта ип-каваларнинг бутун ҳажмини қайта ишлаш ҳисобига 2025 йилга бориб тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини 7 млрд. АҚШ долларига етиши режалаштирилган [2].



Ўтказилган тадқиқот натижалари асосида трикотаж тўқималарининг тузилиши, ташқи кўриниши ва физик-механик хусусиятлари трикотаж матолари сифатини кўрсаткичларини тавсифловчи омиллар эканлиги белгилаб олинди.

Битта трикотаж матосида турли бир қаватли тўқималарни қўллаш ҳисобига уларининг салбий хусусиятларини бартараф этиб, ижобий хусусиятларини сақлаб қолиш мумкин. Шу йўл билан матони эни ва бўйи бўйича деформациясини сезиларли даража камайтириш, трикотаж тўқимасининг шакл сақлаш, мустахкамлик хусусиятларини ошириш, ташқи кўриниши, иссиқлик сақлаш хусусиятини яхшилаш, у ёки бу томонини юза зичликларини ўзгартириш мумкин.

Икки қатламли трикотаж тўқималарининг қатламларини асос ёки қўшимча ип ёрдамида бириктириш мумкин. Тўқиманинг биринчи қатлами иккинчи қатламидан фойдаланилаётган йигирилган ипнинг чизиқли зичлиги, тола таркиби ва ранги бўйича фарқ қилиши мумкин.

Бугунги кунда маҳаллий хомашё бўлган йигирилган пахта ипидан фойдаланган ҳолда, технолгоик, физик-механик ва истеъмолчилик хусусиятлари яхшилانган, янги тузилишга эга бўлган икки қатламли трикотаж тўқимасини олиш усулларини ишлаб чиқиш трикотаж саноатининг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Трикотаж тўқималари ассортиментини кенгайтириш мақсадида икки қатламли трикотаж тўқимасини тузилиши ва олиш усули ишлаб чиқилди. Тажрибавий намуналар 14 класс PROTTI русумли ясси икки игнадонли машинасида чизиқли зичлиги 20 текс х 3 бўлган йигирилган пахта ипидан ва чизиқли зичлиги 70 денье (7,8 текс) бўлган лайкра ипидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган. Ишлаб чиқилган икки қатламли трикотаж тўқималарининг графикли ёзувлари 1-расмда келтирилган.


Устки маҳсулотлари учун мўлжалланган трикотаж тўқималари чиройли кўринишга ва юқори шакл сақлаш хусусиятига эга бўлиши керак [3]. Маълумки пресс трикотаж тўқимасининг элеменлари трикотаж юзасида нақш самарасини ҳосил қилади [4].

Икки қатламли трикотажнинг шакл сақлаш хусусиятини ошириш мақсадида унинг бир қатлами пресс трикотаж тўқимасидан ҳосил бўлиб, иккинчи қатлами эса 1 вариантда пресс трикотаж тўқимасидан, 1 вариантда гладь тўқимасидан, 3 вариантда ҳосилали гладь тўқимасидан ишлаб чиқарилган. Қатламларни бириктириш учун чизиқли зичлиги 70 денье (7,8 текс) бўлган лайкра ипидан фойдаланилган.


Шундай қилиб, икки қатламли трикотаж тўқимасини қатлам тузилишларини ўзгартириш ҳисобига трикотажнинг юзасида нақш самараси ҳосил қилинди ва шакл сақлаш хусусиятини оширишга эришилди.




1-Вариант



2-Вариант



3-Вариант



1-расм. Икки қатламли трикотаж тўқималарининг графикли ёзувлари

Адабиетлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПФ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

3. Tracy Cassidy. Knitwear Design and Technology. Textile and Clothing Design Technology. 2018. 441-461 pp.

3. N. R. Khankhadjaeva, A. G. Nabiev, F. M. Riskalieva. Research of Loop Transferred Structures on V-Bed Flat Knitting Machine. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878. Volume-8 Issue-6, March 2020. Pages 2565-2570.